

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMO VA YECHIMLAR mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

ИДОРА ВА ТАШКИЛОТЛАРДАГИ АХБОРОТ ХИЗМАТИНИНГ СТРУКТУРАСИ ВА ВАЗИФАЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Моҳигул Самадовна Абдуллаева,
Бухоро вилояти, “Ҳудудгаз Бухоро” газ
таъминоти филиали матбуот котиби
Электрон манзил: famous-star@mail.ru
Телефон раҳам: +99891 410 64 46

Аннотация. Мазкур мақолада давлат идораларида ташкил этилган ахборот хизматларининг фаолияти, вазифаси, структуравий тузилиши, мавжуд муаммолар ҳамда уларнинг бартараф этиши чоралари ҳақида гап боради. Оммавий ахборот воситалари билан ишлашда нималарга аҳамият қаратиш, уларнинг ролини ошириш, маълумотларни етказишида фактларга таянган ҳолда таҳлил қилиши тўғрисида баён этилади.

Калим сўзлар: қарор, бошқарув органлари, атама, услуг, тармоқ, пресс релиз

Аннотация. В данной статье говорится о деятельности, задачах, структурном построении информационных служб, организованных в государственных органах, существующих проблемах и мерах по их устранению. Будет разъяснено, на что следует обратить внимание в работе со средствами массовой информации, повышении их роли, анализе на основе фактов при подаче информации.

Ключевые слова: указ, руководящие органы, термин, метод, сеть, пресс-релиз

Abstract. This article talks about the activity, task, structural construction of information services organized in state agencies, existing problems and measures to eliminate them. What should be emphasized in working with the mass media, increasing their role, analyzing based on facts in the delivery of information will be explained.

Key words: decree, governing bodies, term, method, network, press release

Бугун ҳар бир соҳа фаолиятини кенг ёритиш, аҳолини халқ фаровонлиги йўлида қилинаётган амалий ишлари билан таништириш, муҳими, очиқлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида идора ҳамда ташкилотларда ахборот хизматининг иштирокини таъминлашга алоҳида этибор қаратилмоқда. 2019 йил 27 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги¹ қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра оммавий ахборот воситаларининг фаолияти учун максимал даражада қулай шароитлар яратиш, давлат ва жамият ўртасида сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, аҳолига ислоҳотларнинг мақсади, вазифалари, натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2019-йил 27-июн ойидаги ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятлаирини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/4390513>

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMOS VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

ахборот етказиш, давлат, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти шаффоғлигини ошириш, шунингдек, уларнинг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини, ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан яхшилаш мақсадида² аниқ вазифалар белгилаб берилди. Бугун эса вазифалар ижрочисини таъминлаш мақсадида ҳар бир ахборот хизмати ходимининг фаолиятига бўлган масъулияти ортиб бормоқда.

Ташкилот имиджини яратишида ҳамда олиб борилаётган ислоҳотларнинг натижадорлигини кўрсатишида, оммавий ахборот воситаларига аниқ ахборотни етказиб беришда, ошкораликни таъминлашга бўлган эҳтиёж ўз-ўзидан ривожланиб бораётгани йўқ. Ҳукуқий демократик давлат сиёсатида ошкоралик ва сўз эркинлиги ғоят муҳим ўрин тутади. Улар ҳар қандай мамлакат тараққиётининг асосий омили ҳисобланади.³ Соҳага янада кучлироқ эътибор қаратилаётганлигидан асосий мақсад ҳам шунда. Чунки тизимдаги ҳозирги ҳолат таҳлили медиа маконда юзага келаётган чақириқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтарилаётганини кўрсатиб, мамлакатда амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислоҳотлар тўғрисидаги кенг қамровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича жамият эҳтиёжлари ахборот соҳасидаги ишларни сезиларли даражада оширишни, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишина тақозо этмоқда⁴. Шунинг учун ҳам ахборот хизмати фаолиятини ривожлантиришга бўлган эътибор ошмоқда.

Тизим ходими аввало, ташкилот имиджини яратишига аҳамият қаратар экан, ўз структураси ва вазифасига таянган ҳолда уни амалга ошириши шарт. Хусусан, ахборот хизмати томонидан мунтазам равишида маълумотларни жамоатчиликка тақдим этиб бориш, оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, журналистлар доирасини шакллантириш, ахборот хабарларини тарқатиш, оммавий тадбирларни ташкил этиш ҳам асосий вазифалардан саналади. Фуқароларнинг маълумот олиш ҳукуқини таъминлаш давлат органлари ва аҳоли

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2019-йил 27-июн ойидаги ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятлаирни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/4390513>

³ Т.Эшбек. “Ахборот хизматлари”. 2019й. 47-бет

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2019-йил 27-июн ойидаги ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятлаирни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори // <https://lex.uz/docs/4390513>

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMOS VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёнининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, маълумот олиш хуқуқини амалга ошириш давлат ва аҳоли ўртасидаги икки томонлама алоқаларни самарали ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш билан боғлиқ. Давлат органининг бундай функциясини ахборот хизмати бажариши мумкин.⁵

Ахборот хизмати томонидан тақдим этиладиган ҳар қандай материалда аниқлик, тушунарлилик, муҳими, содда тил ва услуги танлаган ҳолда ёзилиши керак. Биргина Қоровулбозор туман ҳокимлиги матбуот хизмати томонидан ҳокимликнинг расмий каналида ёшларга ер ажратиш теги остида (<https://t.me/qorovulbozortuman/39418>) берилган хабарда рақамлар мисолида аниқликни кўриш мумкин. Фикрлар содда берилган, фойдаланувчи эса ўзига керакли бўлган маълумотни олиш имкониятига эга. Ёки Бухоро вилоят божхона бошқармаси ахборот хизматининг расмий сахифасида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида (<https://t.me/buxorobojaxona/8158>) олиб борилаётган фаоллик тўғрисидаги хабар 5 та гапдан тузилган бўлса-да, матн аниқ кўринишга эга, яъни обьект, фактлар, жараёнлар ҳақида тўлиқ ёзилган. Бунда эса ахборот хизмати ходимининг вазифасига эътибор билан ёндашганлиги, керакли маълумотни етказа билганлигини кўриш мумкин. Бир қатор адабиётларда мутахассислар томонидан тизимнинг асосий структура ҳамда вазифаси белгиланар экан, уларга ҳар бир ахборот хизмати ходими амал қилиши лозим. Юқорида ошкораликка риоя этилиши ҳақида гап борган эди. Уни таъминлаш учун ҳам матбуот хизмати ходими масъулиятни ҳис этиши зарур. Ана шунда амалда бирор натижага эришиши мумкин. Ошкоралик моҳияти – жамоатчилик фикри билан ҳисоблашган ҳолда иш юритиш демак.⁶ Аммо баъзи ахборот хизмати томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида аниқ хulosага келиш жуда қийин. Бу билан эса фойдаланувчи жараён ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўла олмайди.

Фаолияти давомида баъзи ахборот хизмати ходими томонидан қуидаги камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда:

- маълумотларнинг аниқ берилмаётганлиги;
- тарғибот усулининг қисқа форматда қилинаётганлиги;
- асосан битта тармоқ, яъни ижтимоий каналлар ёки расмий каналлар орқали тарғибот қилинаётганлиги;

⁵ Н.Қосимова., Г.Бобоҷонова., Л.Исломова. “Жамоатчилик билан самарали муроҷот”. 2013 й. 3-бет

⁶ Т.Эшбек. “Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари”. 2012 й. 28-бет

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI: MUAMMOS VA YECHIMLAR mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

- оммавий ахборот воситалариға тарқатилиш даражаси ва кўрсаткичининг пастлиги;
- маълумот ҳар бир оммавий ахборот воситалариға тақдим этилганда бир хилликка таянаётганлиги;
- ҳам услубий, ҳам имловий хатоликка йўқ қўйилаётганлиги;
- тезкорликка риоя этмаслик – бу энг катта учраб турадиган муаммолардан ҳисобланади

Шунинг учун ҳар бир ахборот хизмати раҳбари ўз ишини кўрсата олиши учун юқорида тилга олинган муаммоларни вақтида бартараф этиши лозим. Ҳар қандай пиарда ишлаш принципи ва тизимиға амал қилиши шарт. Ахборот хизматининг фаолияти аҳолини хабардор қилиш ҳамда ҳокимлик (ҳокимлик бошқармалари) ва фуқаролар, шунингдек, маҳалла қўмиталари ҳамда турли хилдаги ННТ сиймосида фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари ўртасида ишонч ва ҳамкорлик муҳитини яратишдан иборат.⁷

Ахборот хизмати вакили фаолиятини олиб боришда барча оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мустаҳкам алоқани ўрнатиб бориши шарт. Чунки ҳар қандай тарғибот ҳам айнан бошқа оммавий ахборот воситалари орқали етказиб берилади. Аммо бугун аксарият ахборот хизмати ходими юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, фақат ижтимоий тармоқлар ёки телевидение йўналишида ўз фаолиятини тарғибот этишга қаратишяпти. Тўғри, бугун давр ҳам айнан шуни талаб этади, яъни истеъмолчиларнинг кўпчилиги ижтимоий тармоқлар орқали ўзига керакли ахборотни излашади, маълумотларни ўқишиади, лекин матбуотдан фойдаланувчилар сони ҳам кам эмас. Ёки республикада кўплаб давлат ва нодавлат радиолар ўз фаолиятини олиб боришмоқда. Уларнинг барчасида маълум вақт давомида ахборот дастурлари эфирга узатилади. Деярли кўпчилик ташкилот ахборот хизмати ходимлари айнан бу каби оммавий ахборот воситалари билан алоқани йўлга қўйишмаган.

Шунинг учун ходимлар аввало мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш учун қўйидагиларга риоя қилиши лозим деб ўйлаймиз:

- ахборот етказиб беришда аудиторияни аниқлай олиши лозим;
- маълумотларни барча оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишида эътиборли бўлиши талаб этилади;
- маълумотларнинг тил, услуби ва жанрига ҳам ёндашган ҳолда тақдим этиши зарур;
- журналистлар билан ҳамкорликни мустаҳкам йўлга қўйиши шарт;

⁷ Н.Қосимова., Г.Бобоҷонова., Л.Исломова. “Жамоатчилик билан самарали мулоқот”. 2013 й. 11-бет

ONLAYN MEDIA TARAQQIYOTI TENDENSIYALARI:

MUAMMOS VA YECHIMLAR

mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya to‘plami

- маълумотларни етказиб беришда муҳими аниқлик, унга риоя этилиши талаб этилади;
- пресс релизни тақдим этишда ўз тадбири ҳақидаги маълумотларни тўлиқ баён этиши лозим;
- ҳар бир тарғибот тезкорлик билан ошкораликка таянган ҳолда амалга оширилиши зарур.

Бир сўз билан айтганда, ахборот хизмати ташкилот ҳамда аҳоли орасидаги кўприкдир. Тарғиботлар билан бир қаторда ҳар қандай муаммоларнинг амалий ечимини излашда уларнинг фаолияти катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. ПҚ-4366-сон. Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. – Т., 2019
2. Н.Қосимова., Г.Бобоҷонова., Л.Исломова. “Жамоатчилик билан самарали мулоқот”. – Т., 2013 й.
3. Т.Эшбек. “Ахборот хизматлари”. – Т., 2019 й
4. Т.Эшбек. “Жамоатчилик билан алоқалар ва ахборот хизматлари”. – Т., 2012 й